*Hay'at yig'ilishida*

# ТАҲЛИЛЛАР БАРЧАГА ТААЛЛУҚЛИ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигида ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосан икки муҳим масала кўрилди.

Улардан бири «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида» бўлиб, муҳокамада вилоят халқ таълими тизимида таълим-тарбия ва касбий тайёргарлик ўртасидаги ўзаро алоқалар яхши эмаслиги, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилашга, таълим-тарбия соҳасига ўқитувчилар, тарбиячилар томонидан етарли эътибор берилмаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, нутқда кадрларни танлаш, уларнинг касбий, ахлоқий, инсоний фазилатларини ҳисобга олиб, лавозимга қўйиш масалаларига ҳам кенг ўрин берилганлиги қайд этилди. Бу хусусда айрим раҳбар ходимларнинг тегишли хулоса чиқара олмаётганлиги, лоқайдлиги танқид қилинди. Ҳайъат мажлисининг қарорида Президент нутқида баён этилган хулосалар дастурий амал сифатида қабул қилинди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ишчи дастури тасдиқланди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган «Жиззах вилояти ҳунар таълими муассасаларида ўқув жараёнига янги Низом ва йўриқномаларни татбиқ қилиниши ҳақидаги»ги иккинчи масала ҳам долзарб ҳисобланади.

Жиззах вилояти ҳунар таълими муассасалари томонидан ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнига янги Низом, йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни татбиқ қилиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан етарли даражадаги назорат бўлмаганлиги боис қатор камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, ҳунар таълими муассасаларининг фаолиятига янги Низом ва йўриқномаларни татбиқ қилиш устидан назоратнинг сустлиги натижасида бошланган ишлар ниҳоясига етмай қолган. Масалан, қатор муассасаларда ўқувчилар ўртасида ўтказилган тест синовлари натижалари якунланмай қолган, хулосалар муҳокама этилмаган. Ҳужжатларни юритишдаги айрим хатоликлар, ўтилмай қолган дарслар, ўқувчиларнинг кутубхонада шуғулланмасликлари, айрим жойларда ишлаб чиқариш устахонасининг йўқлиги, борларида ҳам ускуналарнинг етишмаслиги, ўқувчиларнинг компьютер бўйича саводхонлиги пастлиги аниқ далиллар асосида таҳлил этилди.

Кўрилган икки масала бўйича ҳам камчиликларни бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мазкур муаммолар бошқа вилоятлар халқ таълими бошқармаларида ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Демак ҳайъат йиғилишидаги таҳлил икки вилоятгагина эмас, балки ҳаммага тегишлидир.

Ҳайъат йиғилишини Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов олиб борди.

**Мухбиримиз.**

*Erkaklar ayollar haqida*

# НАЗОКАТ САЛТАНАТИ

Эркаклар аёллар ҳақида нима дейишлари мумкин?

Улар ёппасига тан олишади, аёлларсиз эркакларга ҳаётнинг қизиғи йўқ. Ростини айтганда эса, эркакларсиз аёлларга ҳам қийин... Демак, улар бир-бирларига керак.

Аёллар салтанати республика Таълим марказида. Бу ибора ўша идорада ишловчи аёлларнинг тилигагина, сўзлашувигагина хос атама эмас. Четдан кузатувчилар ҳам бунга иқрорлар. Чунки Таълим марказида ишловчиларнинг саксон фоизи хотин-қизлар. Бутун Ўзбекистонимиздаги умум-таълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар учун дарслик ва қўлланмаларни тайёрлашга ҳисса қўшаётганлар ҳам ана шу марказнинг камтарин ва нозиктаъб, куйди-пишди ва меҳр-оқибатни устун қўйгувчи аёлларидир. Хўш, аёллар салтанатида улар билан ишлаш, уларга раҳбарлик қилиш, дарду хасратларига шерик бўлиш осонми?

Таълим марказида эркаклар саноқли. Уларга сўз берайлик-чи, нима дейишаркин?

Нарзиқул Турдиев, директор ўринбосари:

— Боғча, мактаб, иш уй... Менинг назаримда аёлларнинг жони қирқта бўлади, деган халқона ибора юз фоиз тўғри. У битта жонини боғчага, мактабга, ишга, уйга ва умр йўлдошига ҳам тақсимлайди. Аёллар салтанатида ишлаётганимдан асло афсусланмайман. Улар билан гурунглашиш ҳам, баҳслашиш ҳам, ҳатто «аразлашиб» қолиш ҳам завқли. Таълим марказида «юз йил» дан бери (ҳазил) ишлаб келаётган Муҳаббат Абдураимова, Замира Абдураҳимова, Рихси Шомаҳмудова, Гулсара Сафаева, Машкура Туроповалар салтанатимизнинг фахри.

Карим Норматов, тарих фанлари доктори.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом аёллардаги ҳаёни, ибони ҳар нарсадан устун қўйган эканлар. Истаймизми, истамаймизми, аёлларсиз бизга ҳаёт зимистон... Марказимиз аёллар, қизлар билан файзли. Агар бизда 30 дан ортиқ бўлим мавжудлигини ҳисобга олсак, уларнинг асосий қисмини аёллар бошқаришади. Улар муаллифлар билан ишлашади, рўзғор, бола-чақа ташвишига ҳам вақт топадилар. Ҳаттоки биз эркакларни ғийбат ҳам қилишади...

Муборак Тўлаганова, Гўзал Тугеева, Клара Саидумарова... Айтаверсам, рўйхат анча чўзилади. Мана шу одам «аёлшунос» қолганларини шу кишидан сўрайверасиз.

Карим ака Нарзиқул Турдиевга ҳазиломуз ишора қилди.

— Ҳазилнинг тагида жон бор, ҳайрон бўлманг , — деб юзланади Нарзиқул Турдиев. - У киши аёллар даврасида бўлишни хўш кўради. Қайси бирининг феъл-атвори ҳақида билгиси келса, мендан сўрайди. Чунки мен бу ерда анчадан бери ишлайман-да...

Шораҳим Гадойбоев, республика фахрий педагоглар кенгашининг раиси:

— Бизнинг ҳам кичиккина идорамиз шу ерда жойлашган, қизим. Қаридик, лекин ёшлик йилларимизда биз ҳам хотин-қизлар билан ишлаганмиз. Бугун байрам. Биздаям 30 нафарга яқин кекса педагог аёллар бор. Уларни байрамда йўқлаймиз...

Таълим маркази директори Ғайрат Шоумаровнинг вақтлари ҳар доимгидай зиқ эди. Қабулхонада унинг ҳузурига кириб, аллақандай масалани ечиш илинжида кишилардан андак истиҳола қилиб, директорнинг олдига кираолмадик. Албатта, беш дақиқалик интервьюда бош директор ҳам аёллар салтанати ҳақида ижобий фикрлар айтиши аниқ эди. Ташкилотимизда ишлаётган аёлларнинг тилёғламалик қилиб сотадиган қоп-қоп моллари йўқ, лекин «қоп-қоп» билимлари бор. Ширинзабонлари бор. Асалдан ҳам ширин фарзандлари, кўнгил булоқларидан сув ичгувчи турмуш ўртоқлари бор...

Аёл учун бундан ортиқ яна нима керак?

Биз сизга бир шингилгина ҳикоя қилганимиз - бу салтанатда ҳар кунги иш, елиб-югуришлар, баъзан чойхўрлик ва жиндек ғийбатлар давом этади.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

### «НАХОДКА»НИНГ ТОПИЛГАНИ

Россиянинг «Находка» нефть танкерининг 7 январдан бери Япониянинг Хонсю ороли бўйларида оқиб юрган қисмлари қуруқликка тортиб олинди. Мутахассисларнинг аниқлашича, денгизга 2,830 километрга яқин мазут оқиб кетган.

### БИОЛОГИК УСУЛ

Жанубий Калифорния университетининг психолог олими Адриан Рейннинг тадқиқотлардан олган хулосасига қараганда, юраги нисбатан кучсиз урувчи кишида салбий энергия тўпланиб боради. Шунга кўра, келажакда жиноятчини биологик воситалар ёрдамида даволаш мумкин бўлар экан.

### ДИРИЖАБЛЬ САЁҲАТИ

Жанубий Африка Республикасининг «Хэмилтон эйршип» компаниясининг инженерлари соатига 165 километр масофани учиб ўтувчи дирижаблни тузмоқдалар. Мақсад — самолётнинг Америкагача бўлган ўн соатлик сафарини туристлар учун ўн кунлик қизиқарли саёҳатга айлантириш.

### УЧРАБ ТУРАДИ

2 март куни «Мир» космик станциясида юз берган кичик ёнғин космонавтлар ишини тўхтатиб қўйди. Россия, АҚШ, Германиялик космонавтлар махсус фильтрлаш асбоблари билан ҳавони тозалаб, ёнғинни бартараф этгач, унинг сабабларини аниқлашга киришдилар.

## АЁЛ БИЛАН ТУГАЛ ДУНЁ

Тингланг, бир шоир дебди:
Инсон атаб бўлмас ҳеч бир, ҳеч маҳал
Аёлни танимас такаббур бошни.

Шоирнинг бу лутфида ажиб ҳикмат бор. Ростанда дўппини қўлга олиб, мана ўйлаб кўринг.

Чиройли дегувчилар аёлни баҳорга менгзайди, гулга менгзайди, фасоҳатга тимсол этишади. Ана холос. Баҳорни севмаган, гулни севмаган, гўзалликка нотаниш кўнгил бормикан. Агар бор бўлса, у кўнгил аёлни ҳам танимайди.

Аёл... Она... Уй бекаси... Севимли ёр... Эҳ-ҳе, кичкинагина битта вужудда шунча садоқат. Ҳар бирида бир олам меҳр. Во ажаб, аёл қалби меҳрлар манзили экан-да. Қизиқ, ахир дунё меҳрдан нафас олади-ку! Демак, олам аёлсиз тугал бўлолмас экан.

Дарҳақиқат аёл сўзининг теграсида шу сония фикр айтмоққа ўзимизни ҳақли деб билдик. Бугун биз таърифин чизмоқчи бўлган аёллар байрами! Шу муносабат билан, кеча пойтахтимиздаги Ҳамза номидаги театр биносида «Аёл ва замон» мавзуида байрам кечаси ўтказилди. Кечани Тошкент молия институти жамоаси ташкиллаштириб, ана шу билим юрти ректори М. Шарифхўжаев олиб борди. Йиғилганлар ҳузурида ҳозир бўлган Ўзбекистон Халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, Республика ёшлар «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси М. Расулова, Республика «Тадбиркор аёл» Ассоциацияси раиси Д. Алимбекова, Республика «Байналминал» маданият маркази ёшлар бўлими бошлиғи М. Нурматовалар сўзга чиқиб, эзгу тилаклар айтдилар. Кеча сўнггида театр жамоаси томонидан «Соҳибқирон Амир Темур» спектакли намойиш этилди.

Хуллас, куй-қўшиқлар ҳам, шеъру лутфлар ҳам, барча-барчаси азиз аёллар учун бўлди.

**Алишер НАЗАР.**

*Maktabgacha tarbiya*

## ДИЛБАНДЛАР ҚУВОНЧИ

*Бувим бўлоласизми,*
*Ўсма сиқоласизми,*
*Ётганимда эртаклар*
*Айтиб береласизми?*
*Шундай, шундай қўғирчоқ,*
*Сўзларимга сол қулоқ.*

*Ҳа, мазкур «Қўғирчоқ, сол қулоқ» шеъри пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 588-болалар боғчасида Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Мартга бағишланган эрталикда янгради. Унда боғчанинг тайёрлов ва катта гуруҳларининг жажжи тарбияланувчилари иштирокидаги эрталик дастури намойиш қилинди. Улар, Она, Баҳор, Ватанни мадҳ этувчи шеърлар, қўшиқлар, лапарлар айтиб, рақсга тушдилар. Жумладан кичкинтойлар «Меҳрибон онажон», «Дўппи тикдим», «Ёмғирей» қўшиқлари, «Бувижон», «Она қўллари» шеърлари, «Наҳори нашта», «Қизгина», «Бойчечак» сингари миллий лапарларни маҳорат билан куйладилар. Айниқса, жажжи қизалоқлар иштирокидаги «Мастонбуви чевар қизлар даврасида» деб номланган саҳна кўриниши ҳамда Беҳзод Толипов айтган «Онажоним меҳрибон», «Ватан ўғлиман» қўшиқлари залда йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.*

*— Онажонлар байрамига алоҳида ҳозирлик кўрилди, — деди боғча мудираси Умида Абдуллаева. — Ҳар бир гуруҳ тарбияланувчисининг ёшига мослаб режа тузилди. Мавжуд 26 та гуруҳда 640 нафар кичкинтой тарбияланаётир. Уларга 42 нафар болажон мураббийлар таълим-тарбия бермоқда. Бош тарбиячилар Дилбар Қорабоева, Зумрад Қўчқоровалар ҳамда мусиқа раҳбарлари Барно Йўлдошева ва Маҳфуза Халиловалар тарбиячилар билан ҳамфикрликда, ижодий ёндошган ҳолда байрам сценарийсини туздилар. Уни тузишда маънавиятни юксалтириш, меҳр-оқибатни, хурматни кучайтириш, она ва болаларнинг ўзаро муносабатларини акс эттиришга эътибор қаратилди.*

*Кичкинтойлар масканида «Соғлом авлод учун» дастури бўйича иш олиб борилаётир. Бундан ташқари ҳар бир гуруҳ ҳам ўз йўналишига эга. Экология, математика, иқтисод, бадиий адабиёт, тасвирий санъат ва бошқа йўналишлар шулар жумласидандир.*

*Тажрибали мураббийлар Ноила Иброҳимова, Лола Муҳаммадалиева, Дилфуза Аҳмедова, Аъло Умурзоқова, Мастура Акромовалар дилбандларимизнинг жисмонан соғлом , тетик, баркамол бўлиб вояга етишлари учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.*

*Хуллас, онажонлар байрамига бағишлаб ўтказилган тантана меҳмонлар, ота-оналар ва жажжи ўғил-қизларга бир олам хуш кайфият, қувонч бахш этди.*

***Дилбар ХЎЖАЕВА.***

## БИЗ ДУНЁГА ЧИҚМОҚЧИМИЗ

*Дунёда иқтидор деган хазина бор. Бу хазинанинг бошқаларига нисбатан фойдалилиги шуки, унга ёшгина бола ҳам эриша олиши мумкин. Бепарво бўлманг. Хазинада пул дейсизми, дуру жавоҳир дейсизми, э қўйингки анқонинг уруғигача топилади. Ишонмадингиз-а? Мен эса, ишондим. Қандай қилиб дейсизми?*

*Яқинда Успенский номидаги болалар мусиқа мактаб-интернатида 2— инглиз-америка мусиқа, қўшиқ ва рақс фестивали ўтказилди. Тўғри, ҳозир нима кўп, бунақа тадбирлар кўп. Лекин сиз ҳам шу фестивални бир кўрсангиз эди. Тадбирга мазкур мактаб ўқувчиларидан ташқари шаҳримиздаги 17-ўрта мактабдан қолаверса Американинг Махми шаҳридан ҳам меҳмонлар таклиф этилди.*

*Энг қизиқарли томони шундаки, фестивалда фақат инглиз тилида куй-қўшиқлар янгради. Айниқса, мактабнинг 6-синф ўқувчиси Диана Зиятдинова бунақа қўшиқлар ижроси бўйича шунақанги «устаси фаранг» эканки, қойил қолмасдан, унинг ниҳоятда жарангдор овозига маҳлиё бўмасдан иложингиз йўқ. Қолаверса, бу нозиккина қизчани бутун мактаб аҳли бизнинг юлдузимиз дея фахр билан тилга олишаркан.*

*Фестивалга бевосита ҳомийлик қилган «Мажнунтол» Newmont (Ўзбекистон) ЛДТ», «Кока- кола» фирмалари, Миссисипи қўшма корхонаси хизматчилари эса тадбирнинг ёш иштирокчиларини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаб, унга янада файз киритишди. Зеро, барча иштирокчилар бундан-да юксак маратабаларга лойиқ эдилар.*

*Йўқ. Фақат инглиз тилида қўшиқлар ижро этилиши она тили унутиб қўйилибди-да, дегани эмас. Биз аксинча бундан қувонсак арзийди. Ахир, бизнинг болаларимиз дунёвий санъатни забт этишмоқчи! Улар шунга тобора интилмоқдалар! Келажак эса, ҳали олдинда. Иншооллоҳ, ҳар бир эзгу мақсад бесамар қолмайди.*

**Мухбиримиз.**

*Rasmiy bo'lim*

# СИНОВ ПАЛЛАСИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

## Умумтаълим Фанларидан Республика олимпиадасининг IV босқичини ўтказиш тартиблари

Умумтаълим фанларидан Республика олимпиадасининг IV босқичини юқори савияда адолатли ўтказиш, унда қўлланиладиган тестларнинг сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида Республика Таълим маркази бир қанча тадбирлар ишлаб чиқди. Муҳими, бу йил барча фанлардан ўтказиладиган олимпиада компьютер ёрдамида кўп вариантлик асосида ўтказилиши асосий мақсад этиб олинди.

Бунинг учун IBM типли компьютер синфларидан фойдаланилади. Чунки IBM компьютерлари ўқувчилар томонидан ўқув жараёнида кўп қўллаб келинмоқда. Ўқувчиларда уни ишлатиш бўйича кўникмалар деярли мавжуддир. Шундай бўлсада, биз яна бир бор олимпиада даврида қўлланиладиган ускунавий дастурдан қандай фойдаланилади ва ўқувчиларимиз нималарга аҳамият беришлари кераклигини қисқача тушунтириб ўтишни лозим деб топдик.

Ўқувчи тест синови топширишга кириши олдидан 1 дан 14 гача рақамлар ёзилган карточкалардан бирини танлайди ва танлаган карточкасидаги рақамли компьютерга ўтиради. Ҳар бир ўқувчи компьютерига ускунавий дастур асосида, олимпиада материаллари асосий ўқитувчи иш жойидан тармоқ орқали юборилади.

Ўқувчининг компьютерларида қуйидаги кўринишдаги ахборот чиқади:

ФАМИЛИЯ И. Ш.______
ШИФР_______________
ТЕСТ________________

Ўқувчилар ҳар бир берилган қатордаги сўровга жавоб беришлари керак. Бунинг учун юқорига ёки пастга «стрелка» тугмалари ёрдамида керакли сўров танланади ва «Enter» тугмаси босилади. Фамилия ва исмини ўқувчилар клавиатурада мавжуд бўлган кирилл ёки лотин алифбоси ҳарфларидан фойдаланиб киритадилар( Кирилл алифбосига ўтиш учун клавиатуранинг чап томонидаги «Shift» тугмаси босилади. Натижада, экраннинг четида қизил ҳошия ҳосил бўлади. Кирилл алифбосига ўтиш учун «Shift» тугмаси қайта босилади. Натижада қизил ҳошия йўқолади.

Бош ҳарфини ёзишда клавиатурадаги «Shift» тугмасини босиб туриб керакли ҳарф терилади. Қолган ҳарф ва белгиларини тўғридан тўғри белгили клавишни босиш билан амалга оширилади.

Шифрга ўқувчи иккита лотин алифбосидаги ҳарф ва учтагача рақам киритади. Масалан in(in—информатика, 004 — ўқувчи ишлаётган компьютернинг тартиб рақами). Ўқувчи фамилияси ва шифрини ёзиб бўлгач, «ТЕСТ» кўрсатмасига ўтиб «Enter» тугмасини босади.

Экранда тест саволлари қуйидаги кўринишда ҳосил бўлади. Экрандаги тест саволи жавоблардан қалин чизиқча билан, жавоблар эса бир-биридан ажралиб туради. Масалан:

Информатика 1-САВОЛ
1:40:00
Савол матни

________________________
________________________

»» »1»» »

1-жавоб
2-жавоб
........
5-жавоб

Биринчи жавоб устида махсус кўринишдаги юргич қўйилган бўлиб, уни клавиатуранинг ўнг томонида жойлашган пастга ва юқорига стрелка тугмалари ёрдамида танлаган жавобга олиб келиб «Enter» тугмаси босилади. Ҳар бир саволда 5 тадан жавоб бўлади. Ихтиёрий саволдан олдинги ёки кейинги саволларга ўтиш учун ўнгга ёки чапга стрелка тугмани босиш лозим. Охирги саволдан кейин яна биринчи савол экранга чиқади.

Умумий белгиланган вақт тугагунча тестни қайта кўриш имконияти мавжуд. Ҳали жавоб берилмаган саволларда савол билан жавобларни ажратиб турувчи чизиқ кўк рангда, жавоб берилган саволларда эса қизил рангда бўлади. Жавоб берилган саволни қайта кўрганда «юргич» аввал танланган жавобни кўрсатиб туради. Тўлиқ жавоб бериб бўлдим, деган ўқувчи клавиатуранинг чап томонида жойлашган <ESC> тугмасини босса, экранда тўплаган бали чиқади.

Бундан ташқари ҳар бир ўқувчи учун алоҳида жавоб варақаси оператор томонидан чиқарилади. Жавоб варақасида ҳар бир бўлимдан нечтадан савол тақдим этилгани, ўқувчи томонидан танланган жавоб, жавобга қўйилган баллар акс этади.

Азиз ўқувчилар! Республика олимпиадасининг IV босқичи ўтишига саноқли кунлар қолганлиги учун ушбу кўрсатмада келтирилган компьютерда ишлаш кўникмалари билан яна ҳам жиддий шуғулланасиз деб умид қиламиз. Сизларни Республика олимпиадасида иштирок этишингиз билан қутлаймиз ва муваффақият тилаб қоламиз.

Республика Таълим маркази.

*Oq qog'ozda aks etgan Vatan*



## «ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР»

### «Иншо»

Ватан! ... Сени таърифлаш, мадҳ этиш учун дил сўзларимни тизгинлай олмаяпман. Она ватаним! Мен сени олтину кумушга, беғубор қишга, оппоқ саҳарга, файзли баҳорга менгзайми? Йўқ, йўқ! Сен буларнинг баридан аъло, баридан азизсан. Мен сени эрта баҳорда нимпушти гулга керагидан ортиқ ўранган, уларни ташлаб юбора олмай мева ҳосил қилган, шохлари ер қадар ларзон-ларзон эгилган дарахтга, суви ўзанга сиғмасдан ўйноқлаб бораётган азим дарёга ўхшаттим келади.

Аслида Ватан нима? Нима учун унга шарафлар айтамиз? Нега энди айнан Ватанни онага қиёслаймиз? Ватан қаердан бошланади ўзи? Ҳа, сўнгги саволга дарҳол «Ватан остонадан бошланади» дея жавоб берамиз. Менимча Ватан қалбдан бошланади. Нафақат инсон, балки тирик мавжудотларнинг барчаси ҳам бир муъжаз Ватанда яшайди. Аксинча қалб ўз соҳилидан юз ўгириши мумкин. Ким айта олади «юраксиз яшай оламан» деб. Ҳеч ким. Шу сабабдан мен Ватанимни қалбимда кашф этдим.

Мен илк бора ёруғ дунёга келиб ОНА аталмиш энг улуғ Ватанимни кўрдим. Оппоқ сут ила Ватан меҳри қалбимга жо бўлди. Улғайиб, Ватаннинг нақадар кенглигига амин бўлдим. Ҳовлидаги ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳ, кунда нон ёпиладиган тандир, ғичирлаб очиладиган эшик, эрта саҳарда супуриб, сув сепиладиган, келинчаклар, қизлар, бўй йигитлару жажжи болажонлар — кекса-ю ёш жам бўладиган беш вақт азон эшитиладиган маҳаллам, ана шундай маҳаллалардан бир нечасини бирлаштирган қишлоғим — тергачим, катта-кичик қишлоқлардан вужудга келган туманим — Косонсойим, гуллар шаҳри — Наманган, мустақиллик насими-ла йўғрилган республикам — Ўзбекистоним, тарих силсилаларидан беш азамат шохини омон олиб ўтган қадим чинорим — Туркистоним эканлигини англаб етдим.

Бугун мен жуда ҳам шодман. Чунки бугун халқим озоду юртим шод. Ана шу озод Ватанда яшашнинг ўзи катта бахт.

Мустақиллик! Қутлайман сени,
Бор санъатим, баётим билан.
Мустақиллик! Асрайман сени,
Керак бўлса ҳаётим билан.

Тарихини билмаган инсон тугал ва комил бўла олмайди. Мана шундай фарахбахш кунларда мен ҳам мозийга назар солмоқчиман:

Яна келдим, эй Тарих бобо,
Сендан яна талаб қилурман
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво
Ҳақиқатнинг йўли билурман.

Ватаним тарихи... Бу жуда узоқ, жуда гўзал, жуда аянчли. Бу «жуда»ларни яна давом эттириш мумкин. Жуда узоқлиги шундаки, ҳали ҳеч ким юртининг келиб чиқишини тўла била олгани йўқ. Жуда гўзал дедим. Чунки, Турон заминим жаҳон ойнасининг жаннати янглиғ кўзга ташланмоқда.

Сўзим давомида жуда аянчли дедим. Ахир, тарихнинг инсон қони-ла ёзилган «Уруш» саҳифаси, қанчадан-қанча шаҳару қишлоқларнинг култепага айланиши даҳшат эмасми?! Етмиш йил собиқ Иттифоқ таркибига «қўшиб олинган» ҳолатда кун кечирди. Лекин аслида юртимиз босиб олинган эди. Худога минг бор шукур, бугун оёқ-қўлимиз кўз илғамас кишанлардан озод. Халқимиз шод яшамоқда. Айрим кимсалар эса Россияга қўшилишни истаб, қолдилар. Улар халқдан керакли жавобни олдилар. Менинг ҳам уларга айтар сўзим бор:

Мустамлака даврини соғинганлар эшитсин,
Қуруқ ваъда, ёлғонга овунганлар эшитсин.
...Қаранг яна айримлар шу йўл томон шайланар,
Билиб қўйинг, ғилдирак фақат олдга айланар.

Зиёда МАМАЖОНОВА,
Наманган вилояти
Косонсой туманидаги
28- мактаб ўқувчиси

*Lotin alifbosiga asoslangan yangi o'zbek yozuvini o'rganamiz.*

### O'N BIRINCHI MASHG'ULOT

#### T t (Т т).

T t — лотин ёзувида босма шакли.

Кириллда босма шакли Т т. Алифбода бу белги лотин ёзувида ўн тўққизинчи, кириллда эса йигирманчи ўринда туради.

Temur — Темур, Toshkent — Тошкент, iqtisod — иқтисод, davlat — давлат, tibbiyot — тиббиёт, lug'at — луғат, usta — уста, tarix — тарих, maktab — мактаб, taxt — тахт, farosat — фаросат, hayot — ҳаёт, siyosat — сиёсат,

katta — катта, ta'sir — таъсир, sharoit — шароит, jaholat —жаҳолат, madaniyat — маданият ва ҳоказо.

Temur davrida Turon iqtisodiy qudrat orttirgan edi — Темур даврида Турон иқтисодий қудрат орттирган эди. Tolib tibbiyot fanidan atamalar lug'atini sotib oldi. — Толиб тиббиёт фанидан атамалар луғатини сотиб олди. O'zbekiston taraqqiyot yo'lidan bormoqda. — Ўзбекистон тараққиёт йўлидан бормоқда. Madaniyat maktabdan boshlanadi — Маданият мактабдан бошланади.

Вазифа: T t ҳарфининг якка ҳолда, сўз ичида ва сўзлар орқали гап таркибида қўлланилишига бир неча мисоллар ёзинг.

(Боши ўтган сонларда.)

#### V v (В в)

V v — лотин ёзувида босма шакли. Кириллда босма кўриниши. В в. Алифбода лотинчада йигирма биринчи ўринда, кириллда эса учинчи ўринда жойлашган.

Vali — Вали, vatan — ватан, avval — аввал, davom — давом, vodiy — водий, savdo — савдо, ahvol — аҳвол, ovqat — овқат, o'quvchi — ўқувчи, davr — давр, davolash — даволаш, vaqt — вақт, sevmoq — севмоқ, vaziyat — вазият, moviy — мовий, tasvir — тасвир, karvon — карвон, darvesh — дарвеш ва ҳоказо.

Vali vafodor yigit — Вали вафодор йигит.

Anvar Munavvarni sevadi — Анвар Мунавварни севади.

Vatanni sevmoq iymondandir — Ватанни севмоқ иймондандир. Avaz karvon jo'nab ketishi bilan, halovatini yo'qotdi — Аваз карвон жўнаб кетиши билан, ҳаловатини йўқотди. Darvesh vaziyatga qarab voqeani valiahdga tushuntirdi — Дарвеш вазиятга қараб воқеани валиаҳдга тушунтирди. Inson ma'naviy boy bo'lsa, yaxshilikka da'vat qiladi — Инсон маънавий бой бўлса, яхшиликка даъват қилади.

Вазифа: V v ҳарфи билан келган сўзларни ёзинг ва сўзлардан гап тузинг.

(Давоми бор.)

# АКАДЕМИЯМИЗ ГУЛЧЕҲРАЛАРИ

(Боши 1-бетда)

мият ва бошқарув органларининг раҳбар ходимлари, ижтимоий ва хўжалик тузилмалари раҳбарлари орасидан танлаб олинган вакиллар, қолаверса, академия маъмурияти ходимлари, профессор ва ўқитувчилари орасида фаол хотин-қизларнинг ҳам мавжудлигидан қувонамиз.

Илм даргоҳимиздаги хотин-қизларнинг ҳаёти ва фаолияти қизиқарли, ниҳоятда сермазмун. Уларнинг ташвишлари эса Академиянинг тақдири билан боғлиқ. Зотан, бу қутлуғ даргоҳда ишлаётганлар орасидан давлат арбоблари, ишбилармонлар, тадбиркорлар етишиб чиқди.

Хотин-қизлар давлат идораларида обрўли шахс. Улар Ўзбекистон шон-шуҳратини кўтаришга ҳисса қўшаётирлар.

Академиямизда лингафон кабинетлари, ўқув хоналари тўла компьютерлаштирилган. Семинар ва йиғилишлар ўтказиладиган залларга кирсангиз, лол қоласиз. Тиббиёт маскани мавжуд. Кутубхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини айтмайсизми? Буларнинг барчасидан тингловчилар билан бир қаторда академия ходимлари, профессор-ўқитувчилари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Хотин-қизларнинг иш кунлари ўзига хос. Узун йўлаклар гавжум. Илм-фан нафаси уфуриб турган, ёруғ ва шинам хоналар аёлларимизнинг қайноқ ҳаёт масканига айланган. Академиямиз аёллари жаҳон тажрибасини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар сиёсат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг давлатимиздаги элчилари, тарихчилари ва мутахассис-олимлари иштирокида ўтказилаётган турли мавзулардаги давра суҳбатларида, учрашувларда, давлат ва жамият қурилиши истиқболига хизмат қиладиган илмий-услубий тадқиқотларда ва бу борадаги баҳсларда иштирок этиб, таклиф ва мулоҳазалар билдирмоқдалар.

Хотин-қизларимиз орасидан қанчадан-қанча мартабали шахслар кашф этилди. Уларнинг аксарияти бўлим раҳбарлиги лавозимларига лойиқ кўрилди. Шу ўринда девонхона мудири Рашида Кабирова, давлат илмий ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар бўлими мудири Мунира Солиҳова, кадрлар бўлими мудири Замира Эргашева, кутубхона мудири Сайёра Ёқубова, молия бўлими мудири Аюбахон Акбархоноваларнинг ўз лавозимларида намунали хизмат қилиб келаётганликлари қувончлидир.

Академия профессори, иқтисод фанлари доктори Мухтабар Насриддинова билан фахрланамиз. У АҚШ, Франция, Англия, Бельгия, Австралия, Ҳиндистон давлатларида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда банк ва ўқув дастурлари бўйича иштирок этди.

Айни кунларда эса М. Насриддинова Англия, Бельгия, Франция ва Голландия давлатларида ТААСИС программаси бўйича маҳаллий ҳокимиятларни ўрганиш юзасидан ўтказилаётган халқаро семинарда қатнашаётир.

Хуллас, академиямиз хотин-қизлари ўзларининг жамиятдаги ўрнини тўғри топиб олишган. Улар Ўзбекистон халқи билан биргадир.

Муяссар УМИРОВА,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси «Таҳрир ва нашриёт» бўлими катта муҳаррири.

(Боши 1-бетда)

га мерос бўлиб қолган катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр-шафқат, меҳмондўстлик, чанқаган одамга сув, кексаларга жой бериш, қўл ювмоқчи бўлган кишининг қўлига сув қуйиш, сочиқ тутиш, ғам-ғусса тушган хонадонга бориб ҳол-аҳвол сўраш, беморларни бориб кўриш ва кўнгил кўтариш сингари ноёб урф-одатларига, ахлоқ ва одоб қоидаларига алоҳида аҳамият бердик.

Ўқитувчи ҳар бир мавзуни ўтишда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Қуръон» оятлари, ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари, Имом Исмоил Ал-Бухорий, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳусайн Воиз Кошифий, Сайф уз-Зафар Навбаҳорий, Абу Исо Термизий, Имом Али ибн Мусо ар-Ризо, Ризоуддин ибн Фахриддин, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Умар Хайём, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳамда Абдулла Авлоний асарларига, шунингдек, ахлоқ-одобга оид замонавий рисолаларга, матбуот материалларига таянсалар, нур ди.

Момоларнинг айтишича, алла оҳанглари онанинг бутун вужудидан, унинг етмиш икки томиридан оқиб келармиш. Шоиримиз Омон Матжон бир китобида шундай ривоятни келтиради:

«Муштипар она узоқ хорижга, ҳеч кимнинг гапига қулоқ тутмай савдогар йигитга турмушга чиқаётган қизидан дунёга келган фарзандларига алла айтмасликни ўтиниб илтимос қилибди. Йиллар ўтиб, хорижга кетган қиз фарзанд кўрибди, аммо онасининг ўтинчи ёдига тушиб, боласига алла айтмабди. Фарзанди узоқ яшамабди. Иккинчи фарзандида ҳам онасининг илтижоларини эслаб, алла айтишни ўзига эп кўрмабди.

Учинчи бор кўзи ёриганда, савдогар йигит дарғазаб бўлиб:

— Сен қандай онасанки, фарзандингга алла айтишни раво кўрмасанг! — дебди.

Ноилож, қиз алла айта бошлабди. Фарзанди ширин уйқуга кетиб, омон қолибди. Бироқ унинг болалик чоғлари, бирга ўйнаб-ўсган дугоналари, ота-онаси, қишлоғининг муътабар одамлари эсига тушибди, ҳаёберни, уларнинг дилларини оғритадиган фарзанд ҳеч қачон бахтли бўлолмайди. Буни муқаддас ҳадислар ҳам тасдиқлайди:

Абу Ҳурайра икки кишини кўриб, улардан биттасига: «Бу киши сенга ким бўлади?» — деб сўрадилар. У: «Бу — отам бўладилар», — деган эди, Абу Ҳурайра: «Ундай бўлса отангни исмини айтиб чақирма, ундан илгари юрма ва ундан юқори ўтирма», деб насиҳат қилдилар.

— Ўқитувчилик касблар ичида энг кўп руҳий куч талаб қиладиган иш. Шу маънода меҳнатдан, ҳар хил юмушлардан чарчаб қолмаяпсизми?

— Ижод билан шуғулланадиган, машғулотларига ҳар куни янгича ёндошадиган киши баъзан чарчоқни унутар экан. Биласиз, у ҳаётдаги ўзгаришларни бир-бирига муқояса қилиб, воқеа-ҳодисаларга муносабатини билдириб яшайди. Шу боис, гоҳида уни турмушдаги баъзи муаммолар толиқтириб қўяди. Масалан, биз истиқомат қилаётган жойда ўқув қуроллари муаммоси ҳамон долзарб бўлиб турибди. Ўқувчиларда «Айлан-

## СИРЛАРИ КЎП, СИНОВЛАРИ КЎП...

устига нур бўлади.

— Инсонни эл эътиборига туширадиган фазилатларнинг қай бирини муҳим деб ҳисоблайсиз ва унга амал қилиш учун ўғил-қизларга қандай маслаҳатлар берасиз?

— Қўлланманинг дастлабки саҳифаларини оилада ота-онанинг ўрни мавзусига бағишладик. Мақол ва масаллардан, Ҳадиси шарифдан намуналар келтирдик, ҳикоят, ривоят жанрларидан унумли фойдаландик. Ўз-ўзидан аёнки, гап софдиллик ва самимийлик, бурчга содиқлик, ота-онага меҳрибон бўлиш фазилатлари ҳақида кетаяпти. Зеро, ҳар бир инсон учун отадек улуғ ва қадрдон, онадек меҳрибон ва яқин киши йўқ. Улар сиз билан бизни дунёга келтириб, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб вояга етказибгина қолмасдан, ҳамма вақт қуёш янглиғ ҳаётимизга нур сочиб турадилар, бамисоли ой каби тунимизни ёруғ, йўлимизни ойдин қиладилар. Шу боис энг гўзал достонлар, сара қўшиқлар, энг ёқимли мусиқалар ана шу улуғ зотларга бағишлангандир. Донишмандлар эса дейдилар: «Эй, фарзанд! Ота-онани астойдил сев, улар хизматида бўл! Кимки, ота-онасини чуқур ҳурмат қилса, уларни рози этса, албатта, фарзандлари ҳам уни эъзозлайди, ҳурматини жойига қўяди. Қайтар дунё, сирлари кўп, синовлари ҳам...»

— Оналар алласида қандайдир мўъжизавий қудрат бор. Оналар бешик тебратиб, алла айтсалар, каттаю кичик таъсирланмай қолмайди. Шундай эмасми?

— Она алласи — умумбашарий қимматга эга. Шу билан бирга алла чегара билмайди, унга миллат, дин, тил халақит беролмайди, она алласини барча миллат ва элат гўдаклари ҳаммаси бир хил тинглайди ва ундан ором олалида қайта жонланибди. Юрт соғинчи унинг бағрини ўртабди. Онасининг ўтинчлари сабабларини шу мўъжаз қўшиқ орқали англабди. Она фарзандининг она юрт доғида куйишини, она тупроқни соғинишини олдиндан билган.»

Алалхусус, алла инсонни она заминга боғлаб турадиган, Ватанни севдирадиган қудратли қўшиқ ҳам экан. Демак, уни тинглаб, ўсиб-улғайган ўғил-қизлардан комил инсонлар, юртини қўриқлайдиган ботирлар — Алпомишлар етишиб чиқади, дейишга тўла ҳақлимиз.

— Дунё синоатларга тўлиқ. Демоқчиманки, ота-она фарзандларига буткул меҳрини беради, оқ ювиб, оқ тарайди. Ўғил-қизларининг бирор жойи шикаст топса ёки оғриса, ўзларини қўярга жой тополмайди. Анъана шу тарзда давом этаверади. Аммо, аксинча, айрим фарзандлар катта бўлганларида ота-оналари қадрига етмайдилар, суянчиқ бўлмайдилар. Вақти келиб ўзлари ҳам ота-она бўладилар-ку!..

— Дарҳақиқат, ота-она фарзандим унсин, ўссин, тезроқ катта бўлсин деб ўзини ўтга, сувга уради, ўзи емай фарзандига едиради, ўзи дурустроқ киймай ўғил-қизини кийинтиради, оқ ювиб, оқ тарайди. Болам тезроқ катта бўлса, ҳамма қийинчилигим эсдан чиқади, дея хаёл қилади. Афсуски, фарзанд кўпинча, ота-онанинг ўйлаганидай бўлмайди.

Улар вояга етгандан сўнг ёки уйлангандан кейин бемеҳр бўлиб, ҳатто ота-онасининг насиҳатлари ёқмайдиган бўлиб қолади. Ўз ота-онасини «бобой», «момой» деб тил учида чақирадиган, бўлар-бўлмасга жеркийдиган одат чиқаради. «Ота-онамнинг кўнгли ранжийди, хафа бўлади», деб ўйламайди ҳам. Аслида ҳаётнинг шафқатсиз қонунлари, тўла англанмайдиган бешафқат синовлари бор. Демоқчиманки, ота-онасига озор ма дафтар» йўқ. Фақат иккита дафтар қўлтиғида юради. 18 варақли дафтарга 2-3 та предметни ёзадилар... Булар вақти-соати билан ҳал бўладиган ишлар. Фақат биздан озгина сабр, озгина тоқат кифоя. Халқ педагогикасининг талаб-тамойили ҳам аслида шу.

— Режа ва истакларингиз.

— «Ҳаёт ва турмуш одоби» китобида мулоқот маданияти, меҳр-шафқатли, мурувватли бўлиш, бўш вақтдан тўғри фойдаланиш, йигит ва қизлар муносабатларининг ахлоқий ва миллий асослари, меҳмон кутиш қоидалари, «Наврўз» тарихи ва уни нишонлаш қоидалари, ичкиликбозлик ва гиёвандликнинг зарарли оқибатлари, ёшлар ва кийиниш одоби сингари 11 та катта мавзулар атрофлича ёритилди. Келгусида 11-синфлар учун ҳам дарслик яратмоқчимиз. Ҳозир унга тайёргарлик кўраяпмиз. Сирасини айтганда, ижод билан шуғуллана бошлаган киши бу майдонни тарк этиши анча қийин бўлар экан.

Фурсатдан фойдаланиб, бойсунлик ижодкор ўқитувчилар Равшан Аҳроров (А. Набиев номидаги мактаб), Нормурод Қурбонов (13-лицей-мактаб), шундай қийин бир шароитда ўз ҳисобидан мактаб қурган фидойи ўқитувчи, 53-мактаб директори Рамазон Абдуллаевларни тилга олиб кетишни жоиз деб биламан. Улар туманимиз фахри саналадилар. Истагим, ижодкор ва фидойи муаллимлар сафи янада кенгаяверсин! Ана шундагина мактаб ва маорифда ўзгаришлар, янгиликлар кўпаяверади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Келгусидаги ишларингизга ривож тилайман.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.**

## БОЛАЛАР ЖОНУ ДИЛИ

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туман «Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази» фаолияти хусусида илиқ ва самимий гаплар айтиш мумкин. Гап шундаки, бу даргоҳ — изланишларга бой ижодий олам. Мураббий-устозлар — болажон, меҳри дарё, болалик дунёсига ошуфта.

Ана шу марказнинг халқ амалий санъати мудири Зуҳрахон Юсупова биз билан мухтасар суҳбатда нима дейди денг: «Болалар — жону дилим. Уларнинг даврасида ҳар бир куним мазмунли ўтаётганлигидан қувонаман. Баъзан «тарбияси оғир» болалар ҳақида баъзилар ўзига катта эрк бериб гапиришади. Яъни: «У бола ундоқ, бу бола бундоқ...» Мен бунга қаршиман. «Тарбияси оғир болалар» билан гаплашганимда, билмадим, уларнинг ҳар бири меҳри товланиб кетганини кузатаман. Демак, гап бошқа ёқда. Назаримда, «тиллаша» билиш керак. Уларнинг ичида ҳам иқтидорлиси кўп...»

Биз бу ердаги ўзига хос ижодий жараён хусусида фикрлашмоқчи бўлиб, марказнинг илмий бўлим мудири Феруза Исмоиловани суҳбатга чорлаган бўлдик. У бажонидил мароқ билан шуларни қайд этди:

— Марказимиз қошида 40 га яқин турли тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатаяпти. Тўгаракларимиз иши, албатта, иқтидорли болаларимиз изланувчанлиги билан файзиёб, жонли, ҳаётий ва қувноқ лаҳзаларга бой. Яқинда...

Ҳа, яқинда мазкур «Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази»да иқтидорли болалар кўрик-танлови ўтказилди. Кўрикда туманнинг барча мактабларидан кўплаб иқтидорли ўсмирлар иштирок этдилар. Улар асосан 5 та жанр бўйича ўзаро куч синашдилар. Хусусан, тасвирий санъат, миллий каштачилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик ва ҳайкалтарошлик жанрлари бўйича мароқ билан иш олиб бордилар. Беллашувда ғолиблар аниқланди. Тасвирий санъат жанри бўйича «Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази»дан Зебо Лукьянова биринчи, 74-ўрта мактабдан Жонбоз Шаҳноза иккинчи, 245-ўрта мактабдан Исроил Раҳматовлар учинчи, миллий каштачилик бўйича Нигора Миртожиева («Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази») биринчи, Шаҳло Бердиқулова (75-ўрта мактаб) иккинчи, ёғоч ўймакорлиги бўйича ака-ука Ҳасан-Ҳусан Орифжоновлар (81-ўрта мактаб) биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек Мурот Қосимов, Мавлон Содиқов, Олим Охуновлар ҳам юқоридаги жанр бўйича 1, 2 ва 3-ўринларга сазовор бўлишди. Ҳайкалтарошлик жанри бўйича эса 283-ўрта мактаб ўқувчиси Ботир Орипов совриндор ўринга сазовор бўлди.

Кўрик-танлов ғолиблари шаҳар мактаблариаро ўтказиладиган ана шундай танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Изланганга толе ёр. Улар совриндор ўринлар учун куч синашадилар. Бундай хайрли тадбирда туман халқ таълими бўлимининг хизмати беқиёс.

**Абдулла ТУРДИЕВ, журналист.**



*Машғулотларда кўргазмали қуроллар, лингофон ва бошқа ўқув воситаларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтилса, ижобий натижаларга олиб келиши шубҳасиз. Буни яхши билган Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 10-гимназиянинг инглиз тили фани ўқитувчиси Гулнорахон Анорқулова кўп йиллик иш фаолиятида синовдан ўтказган. Илғор муаллима айни кунда ҳам ўқув воситаларини самарали қўллагани боисидан ўғил-қизлар барча мавзуларни тўла ўзлаштиришаяпти.*

**Суратда:** *фидойи муаллима Г. Анорқулова ўқувчилари билан навбатдаги машғулотни лингофон ёрдамида ўтказаётир.*

**В. АЧКАСОВ олган сурат.**

*Darslarni kuzatganda*

## ҲАР БИР САБОҚ — ИЖОД

Маъсудахон Раззоқова ҳали анча ёш, лекин ўзининг билимдонлиги, фаоллиги ҳамда тажрибакорлиги билан нафақат Наманган вилоятида, балки бутун республикада номи танилган муаллима. У ҳозирги кунда Наманган шаҳридаги 5-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Машғулотларда «Мусобақа дарс», «Саёҳат дарси», «Эртак дарс» каби янги таълимий услубларни оқилона қўллайди. Синфдан ташқари машғулотлар мавзуси ҳам ранг-баранг. Улар «Математика оламида», «Она тили — халқ дили», «Нон қадри», «Наврўз» ва ҳоказолардан иборат.

Мен Маъсудахонни икки йил муқаддам республика ўқитувчилариниинг кўрик-танловида учратган ва маҳоратига кўпчилик қатори қойил қолган эдим. Ниҳоят, у кишининг машғулотида ҳам қатнашдим.

... Муаллима бу дарсни мусобақа услубида олиб боришини айтди. Негаки, унинг изоҳ беришича, бошланғич синф болалари 40-45 минутда зерикиб, толиқиб қоладилар. Агар машғулотга ҳаракатли таълимий ўйинлар, митти бошқотирмалар, эртаклар олиб кирилса, бундай нохушликка йўл қўйилмайди. Шунингдек, ўқувчиларда фаоллик, топқирлик, ҳушёрлик ва қизиқувчанлик каби фазилатлар шаклланади.

Синф тахтасига машғулот мавзуси, мақсади, жиҳозлар номи ва режалар ёзилди.

Ўқувчилардан бири ўрнидан туриб шеър ўқиди:

— Ўзбек менинг миллатим,
Салом бериш одатим.
Шунинг учун дейманки...

Қолган болалар жўрликда:

— Ассалому алайкум, — дейишди.

Муаллима дарс мавзусини айтгач, синф тахтасига 5 та катак чизди. Ўқувчилар бу катакларга «Ватан» сўзини ҳарфма-ҳарф айтиб ёздилар. Шундан кейин муаллима бошчилигида савол-жавоблар бошланди. Мисол учун, ўқитувчи «Бизнинг Ватанимиз қаер?» деган саволни ўртага ташлади. Болалардан бири ўрнидан туриб, одоб билан:

— Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон, — дея жавоб қайтарди.

Навбатдаги савол:

— Ўзбекистоннинг пойтахти қаер?

Жавоб:

— Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент.

— Ўзбекистоннинг асосий бойлиги нима?

— Ўзбекистоннинг асосий бойлиги пахта.

— Мамлакатимизда яна нималар етиштирилади?

— Буғдой, арпа, шоли, турли хил мевалар...

Сўнг муаллима магнитофон орқали топишмоқ эшиттирди:

«Бирлашса беш ўғлон,
Тоғни қилади талқон».

Ўқувчилар фикрига кўра, бунинг жавоби бизнинг беш бармоғимиз экан. Қиссадан ҳисса шуки, демак, одамлар қанчалик аҳил, иноқ бўлсалар, ҳар қандай жумбоқни ҳал қила оладилар.

Кўриб турганингиздек, саволлар жуда жўн, содда. Жавоблар ҳам шунга яраша. Агар бошланғич синфларнинг ёши ва фикрий доирасини ҳисобга олсак, бу мулоқотнинг ўринли ва зарур эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Энди синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлиндилар. Биринчи гуруҳга «Бойчечак», иккинчисига эса «Бинафша» номи берилди. Мусобақанинг биринчи шарти «Зийрак қуёнча» деб аталади. Гуруҳ бошлиқлари муаллима тайёрлаган «Сирли лола» япроғидан навбати билан олдилар. Бу япроқлар орқасига сонлар ёзилган экан. Болалар шу япроқдаги рақамлар ҳосил бўладиган мисолларни синф тахтасига чиройли қилиб ёзишди. Бунда биринчи гуруҳ 17 сони, иккинчиси эса 18 сонини ҳосил қилди. Ўқитувчи эса «Зийрак қуёнлар» тарқатма материали орқасига битилган мисолларни тўғри ечганлигига қараб, қаторларга бўлинган гуруҳларга қизил ва кўк юлдузчалар тарқатди.

Навбатдаги шарт тест саволларидан иборат бўлди. Мана улар:

2х7 8х3

Жавоблари:

а) 16, б) 14, в) 13 а) 15, б) 20, в) 24 ва ҳоказо.

Мусобақа шартини тез ва тўғри топган гуруҳлар яна баҳоланди.

Шундан кейин болалар ўқитувчи бошқарувида қўшиш, айириш, бўлиш ва кўпайтиришга оид мисоллар ечишди, дарслик билан ишлашди.

Маъсудахон ижодий равишда ўнлаб ҳаракатли кўргазма қуролларини ясаган экан. У болаларга нима ҳақида гапирса, шунга оид рангли, чиройли шакллар кўрсатиб борди. Бундай услуб қўлланганда ўқувчиларнинг машғулотга қизиқиши янада ортди, улар дарс жараёнида ҳеч нарсага чалғимадилар.

Шундай қилиб, 45 минутлик дарс тугади. Бунда мавзу Орол денгизига, атроф-муҳитга, табиатга усталик билан боғланди. Магнитофон тасмасидан қуриб бораётган Орол денгизидаги балиқлар «нидоси» эшиттирилади, ўқувчилар эса синф тахтасига «Табиатни асранг», «Табиат — бизнинг уйимиз», «Қушлар бизнинг дўстимиз» каби жумлаларни ёздилар. Яна ва яна мисоллар ишланди, арифметик амалларни бажариш ранг-баранг таълимий ўйинларга омухталаштирилди.

Муаллима қисқа вақтда кўп нарсага эришди, ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира олди. Менинг эътиборимни тортган энг муҳим нарса эса ўқувчиларнинг машғулотда ўзларини эмин-эркин тутишлари, изланишлари ҳамда қувноқликлари, зийракликлари бўлди. Баъзи ҳолларда улар топшириқ жавобини топишга бироз қийналишди, тутилиб қолишди. Аммо ўқитувчи ҳеч нарса айтмади, балки «ўйланг, топинг, бу жуда осон» дея болаларни ақлий чиниқишга, меҳнатга ундади. Хуллас, Маъсудахоннинг кўп изланишлар олиб бораётгани, унумли меҳнати, ўқитувчилик касбини жонидан ортиқ севиши, бу туйғуни бетиним ижод билан йўғириб бораётгани ҳам ҳар қадамда сезилиб турди.

Бу томондан яхши. Болалар бошқа жойлардаги тенқурларига нисбатан хийла зукко эканликларини намойиш қила билдилар. Ўқитувчи маҳорати, тажрибаси ҳам кам эмас. Аммо машғулотнинг айрим ўринларида камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Масалан, баъзи ҳолларда муаллима қисқа вақтда кўпроқ натижага эришиш учун жуда фаоллашиб кетаяпти. Болалар эса эсанкираб қолишяпти. Назаримда уларга меъёрдан бир оз ортиқча ақлий юк берилаётганга ўхшайди. Шунингдек, машғулот жараёнининг тезлашуви кишида уни олдиндан маълум сценарий асосида олиб борилмадимикан, деган иккиланиш пайдо қилади. Бу эса, ўз навбатида, сунъийликни келтириб чиқаради.

Нима бўлганда ҳам, Маъсудахон Раззоқованинг иш тажрибасида ўрганса, оммалаштирса, ибрат олса арзийдиган янгиликлар кўп. Фикримча, агар муаллима юқорида келтирилгани каби баъзи бир камчиликларни ҳам тугатса, янада яхши натижаларга эришиши мумкин.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
**ўз мухбиримиз.**

## ОНАХОНЛАР ҲУРМАТДА

Бир гуруҳ фахрий ўқитувчиларимиз 8 Март байрами арафасида Тошкентдаги Республика таълим марказида йиғилиб, бир пиёла чой устида дийдорлашишди. Шаҳар марказий савдо дўкони ходимлари номидан Ҳамидулла Шарипов 30 нафар онаҳон педагог фахрияларнинг ҳар бирига гўзал чинни буюмлар совға қилди. Онахонларни фахрий педагоглар кенгаши раиси Шораҳим ота Гадойбоев ва Тўлаган Рустамовлар ҳам самимий қутладилар.

Кеча сўнггида фахрия онахонлар кўрсатилган иззат-икромлар учун ўз миннаддорчиликларини изҳор этдилар.

**Анвархон АҲМАД қори ўғли.**

*Tabiat va biz*

## ГУЛЛАР ЖОЗИБАСИ

*Гўзалликка асиралик ҳисси бу икки муаллиманинг ором билмас жисмларига сут билан сингган, — дейишади ҳамкасблари. Ростдан ҳам улар гўзаллик ихлосмандлари, гул шайдолари... Худди ана шу ички туғён Ўғилой Боқиева ва Ҳуснора Бозороваларни бир мақсадга бирлаштирди. Гўзал қалб соҳибалари ўз қадрдон мактабларида «Ўзбекистон гуллари» хонасини бунёд этиш ишига бел боғладилар. Бу иш ўқувчиларга ҳам ёқиб тушди. Болалар ўз уйларида меҳр билан парваришлаётган энг қадрли анвойи гулларни ҳам ўз хоҳиш-истаклари билан олиб келишиб, гуллар хонасига ҳадя эта бошлашди.*

*«Ўзбекистон гуллари» хонаси кундан-кунга ўзгача ажиб бир чирой очди, юртимизнинг муқаддас табиатидаги мавжуд гуллар билан бойиди. Турли-туман ўлчаму кўринишдаги гул туваклари ясалди, умид билан ниҳоллар ўтқазилиб парвариш қилинди... Натижада Қарши туманидаги Панжи Лутфиев номли 32-мактабда ташкил этилган «Ўзбекистон гуллари» хонаси юртимизда ўсаётган турли-туман гулларга лиқ тўлди. Энди-чи? Энди янаям каттароқ хона керак.*

*Баҳор яқинлаб қолди. Ўғилой Боқиева ва Ҳуснора Бозороваларнинг гуллари барқ уриб ўсяпти...*

*Ташаббус ўзингники бўлса, ташвишлар ҳам ўзингники бўлади. Ҳа, жуда кўп ҳолларда шундай... Бу гуллар осонликча ўстирилдими?. Хуллас, шу кеча-кундузда ҳар иккала гулчи муаллиманинг ҳам ташвишлари ўзига етиб-ортиб турибди.*

*Шу ўринда яна бир гап шуки, Қарши тумани халқ таълими бўлими мактабда ташкил этилган «Ўзбекистон гуллари» хонасига эътиборни қаратиб, бу олижаноб ташаббусни тарғиб этиб, ўз навбатида, уни барча мактабларга жорий қилишга эришса, яхши бўларди.*

**Абдували ОБИДДИНОВ, «Маърифат» мухбири.**

*Xalq ta'limi fidoyilari*

## РАВОН ЙЎЛ ТОПГУНЧА...



Унга нега ҳамма ҳавас қилади? Аслида Марзия Давроновна ҳам сизу биз каби оддийгина инсон. Фақат узоқ йиллик меҳнати ва ишбилармонлиги сабабли муаллимликдан директорлик лавозимига эришган.

— Марзия Давроновнага ҳар қандай масъулиятли вазифа топширилса ҳам юракдан бажаради, — дейди Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлимининг мудири Ислом Зокиров. — У 198-мактабда илмий мудирликка тайинланганда меҳнатсеварлиги, педагогик маҳорати билан жамоадошлари ишончини оқлади. Таълим ва тарбияни изга солиб, ўқитувчиларнинг ижодий ишлашларига шароит яратиб берди. Ҳозур у раҳбарлик қилаётган 152-таянч мактаби ҳам илгари бирмунча мураккаб, қийин шароитдаги мактаблардан бири эди. Яқин 4—5 йил ичида 3—4 директор алмашди. Марзия Давроновна икки йил бурун бу мактабга директор этиб тайинлангач, ишларни амалга ошириб, туман халқ таълими раҳбарларининг ишончини оқлади.

Мактабнинг жонкуяр муаллимлари Манзура Акромова ва Валентина Кулчитскаялар ҳам биз билан суҳбатда М. Давроновна фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

— Аввалари дарс жадвали яхши тузилмас, синфдан ташқари тўгараклар эса умуман ишламасди. Натижада ўқувчилар орасида интизом, дарсга нисбатан совуққонлик кучайган эди. М. Давроновна раҳбар бўлгач, мактабда ҳақиқий ижодий муҳит яратди, — дейишди улар.

Ижодий муҳит! У нималарда кўзга ташланади? Далиллар эса кўзгу. Мана, ҳозир Беҳзод номидаги бу мактабда 1550 нафар ўқувчига 78 нафар муаллим сабоқ бермоқда. Мактаб муваффақиятини 1997 йилнинг биринчи ярим йиллигида 44 фоиз сифат кўрсаткичи, ўқувчиларнинг деярлик 100 фоиз ўзлаштириши ҳам исбот этиб турибди. Мактабда маданий-маърифий ишларнинг ҳам яхши йўлга қўйилгани қувонарли ҳол. Масалан, «Маданий меросга ихлос», «Мустақиллик сенга нима берди?» каби қатор мавзуларда баҳс ва мунозара дарсларини ўтказиб туриш ҳам яхши анъанага айланиб қолди.

— Мактабнинг моддий ва техникавий ўқув базасини яхшиламай туриб, ўқувчилар билим савиясини ошириш, ўқув-тарбия ишларини яхшилаш қийин, — дейди Марзия Давроновна. — Биз бунга эришдик. Ҳозир ўқув синфларимиз ёруғ ва кенг. Кутубхона, ошхона, компьютер хоналари, 30 дан зиёд яхши жиҳозланган фан кабинетлари ўқувчилар хизматида. Физика, химия ва бошқа қатор фанлардан лаборатория хоналари ҳам ишлаб турибди.

Директорнинг педагогик жамоага суянган ҳолда амалга ошираётган режалари ҳам кўп. Таълимга янгича ёндашиш, диагностик таҳлил асосида иш юритиш, дарс самарадорлигини ошириш учун биринчи навбатда ўқитувчиларнинг ностандарт усулларни қўллай билишига эришиш, ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишини ва ўқиш фаоллигини оширишга қаратилган омилларни излаш каби мақсадлар мактаб иш режаларида акс эттан. Буларни янги ютуқларга дебоча бўлувчи, мактаб шуҳратини оширувчи мақсадли тадбирлар деб ҳисоблайди директор.

Ҳа, мақсад аниқ бўлса, равон йўл топилади.

**Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ.**

*Ayol qalbi navolari*

## ХИЁНАТГА ДОР ҚАНИ?

**(Эркин ВОҲИДОВ ғазалига муҳаммас)**

Ишқим ошкор айласам раҳм этарми озроқ,
Ё пинҳон сақлаб уни авайлаганим созроқ.
Пора айлабон бағрим тинмай чўқиб қора зоғ,
Ёр васлини соғинсам сайр этайми боғ-роғ,
Боғ-роғ сайр этганимдан кўнглим ўлмас чоғроғ.

Нечун англолмай қолдим «Лисон-ут-тайр»ини ҳам,
Ашкка тўлган бу кўзларим лол этмиш ғайрини ҳам,
Қизғондим ул вафосиздан эҳсону хайрини ҳам,
Хушламас ҳижронда кўнглим лолазор сайрини ҳам,
Чунки бағрим лолаларнинг бағридан ҳам доғроғ.

Ҳижрон тоғи эзиб борар айтолмадим дил розин,
Муштоқдурман васлингга сабримга берсин тўзим,
Топмадим ишқим давосин, малҳамга Лайли сўзин,
Гар соғинчим шарҳин айтсам, ёндирар Фарҳод ўзин,
Ё очай Мажнунга дардим улку мендан соғроғ.

Карвон бирла кўп кездимку, йўлларимга зор қани,
Дўстдин кўпдур душманларим, менга интизор қани,
Садоқатли ёр изладим, хиёнатга дор қани,
Дардлашурга дўст қанию, диллашурга ёр қани,
Топганим ул ошнороқдур, бул эса ўртоғроқ.

Ойдек гўзал махлиқонинг начора тугёни йўқ,
Муҳаббат ўти ёндирса, ёндирсин баёни йўқ,
Ғазалга мафтун Маҳмуда, шоирга зиёни йўқ,
Интизорлик дардин Эркин, ҳалди йўқ, поёни йўқ,
Ёр озор топмасин деб, мен қўшарман «роғ-роғ».

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи.**

## ОНАМГА

Онажон, сиз...
Ҳам онамсиз,
ҳам отамсиз...
Кулиб турган кўзларимда ноламсиз,
Битта эркалансам мингта оламсиз.

Онажон, сиз...
Қалқиб кетсам, қаддим тутган қадамсиз,
Ярим ёмонимга бутун мотамсиз,
Қош уюб қаҳрида суйган отамсиз,
Онажон, сиз отамсиз.

Дунёларга бергисиз бир қизим деб,
Куёвларга бераман деб ёнасиз.
Ахир бир кун ёр-ёрларнинг ортидан
Эшикларга суялиб жим қоласиз.

Онажон, сиз...
Суялсангиз толиқиб,
Эшикларга раво кўрмай қизғониб,
Елкалари куйиб кетган отамсиз.

Онажон, сиз...
Отам суюб, мен суюб,
суёлмаган, худо суйган Онамсиз.

**МУХТАСАР.**

## ИНСОНИЙЛИК ҲАҚИДА ТИЛАК

Инсон — у инсон бўлса, дилда иймони бўлсин,
Чин эътиқод эгаси, мудом инсофи бўлсин,
Маъсум, хушфеъл, мулойим, одоб-ахлоқ, хулқи хуш,
Чин фазилат ҳамроҳи, ҳам пок виждони бўлсин,
Ҳалол бўлса топгани, бўлур доим ёруғ юз,
Ҳурмат кўрар барчадан бўлса лафзли, ширин сўз.
Муҳтожу эл- халқига улашса ризқ, нону туз,
Мартабаси улуғу, ҳиммат ҳамроҳи бўлсин.
Тўғри йўлни танласа, кўп норавон йўллардан,
Ўз хулқига олса зеб ул бағри кенг диллардан.
Дуо олса муносиб хушпиловат тиллардан,
Одамийлик хислати кўрки, зийнати бўлсин.
Илм олса ўқиб хўб, бўлса доно билимдон,
Ўз илмин авлодларга қилса ҳадя-армуғон.
Савоб олса бахш этиб кўнгилларга нурафшон,
Унинг икки дунёси ободу бўстон бўлсин.
Камтаринлик хислати бир умр тарк этмаса,
Андишаю диёнат ундан нари кетмаса,
Ўзгаларга ҳиммату савоб ишдан қайтмаса,
Шаҳзоданинг тилаги мудом мустажоб бўлсин.

**Шаҳзода РАҲМОНОВА.**



**«Онанинг кўнгли болада». Онанинг борлиғи бола билан тўлуғ. Боласининг кўзларида порлаб турган ҳайратдан завқланмоқ — онанинг дунёдаги тансиқ севинчларидандир. Дарвоқе, ушбу суратга боқиб ўйлаганларимиз ҳам шу бўлди: Самимий ҳайрат боликка хослиги нечоғли ҳақиқат бўлса, аёллик бахти оналикда эканлиги ҳам шу қадар ростдир.**

*Rivoyatlar*

## ТАДБИРКОР БЕКАЛАР

*Азалдан бири кам дунё деб сўз юритамиз. Ҳақиқатан она замин ҳам фақат текисликдан иборат эмас, ахир пасту баланд, қирлару тоғлар, ярми сув, ҳатто ойнинг ҳам ўн беши қоронғу,ўн беши ёруғ. Шунга ўхшаб нонсиз уй бўладию, жанжалсиз уй бўлмайди, дейишади доно халқимиз.*

*Қадимда ота-боболаримиз фарзандларини уйлантирганда ўғилларига насиҳат қилган эканлар: — Ўғлим, агар хотининг иззат-ҳурматингни жойига қўйиб, рўзғорда борига қаноат қилиб, тежаб ишлатадиган, бору йўғингда ҳам бирдек турадиган, қаттиқ овозда гапирмайдиган аёл бўлса ҳақиқий умр йўлдошинг бўлади, деган экан. Бир ота насиҳат қилган экан: хотин кишига қўл кўтариб бўлмас, аммо баъзан шунга мажбур бўлганингда уйнинг бурчагига қочса, ўша аёл сенинг бахтинг, у собира аёлдир. Кўча томон қочса, ундай аёлнинг баҳридан ўт, деган экан.*

*Ҳозирги тадбиркор аёлларимиз ҳам ҳатто эру хотин уришиб қолишса ҳам ундан унумли фойдаланиб олар эканлар. Қандай дейсизми? Улар бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетишини билишади, албатта. Аммо баъзан жанжал бўлиб қолгани тақдирда ҳам ўша жанжални донолик билан енгади. Масалан, бир тоифа аёлларимиз эрлари билан уришиб қолсалар, гап қайтармасдан эриниб бажаролмай юрган бирор-бир ишларини қилар эканлар, бу ўзлари учун жуда фойдали, кейин ўзлари ҳам хурсанд бўлиб ўтирар эканлар. Иккинчи тоифа аёллар хоҳламасалар ҳам чой ичиб бирор нарса чайнаб турар эканлар, учинчи тоифа аёлларимиз эса фақат йиғлар эканлар, тўртинчи тоифа аёлларимиз эса кўйлакларини тугиб, ота-онамникига кетаман, деб аразлаб чиқиб кетар эканлар. Яна бир тоифа аёллар эрлари қайси ишни ёқтирмасалар, шу ишни атайлаб қилар эканлар. Яна бир тоифа аёлларимиз қизим сенга айтаман, келиним сен эшит йўсинида кимнидир қарғаб, ё болаларини уриб-туртар эканлар. Энди охиргиси энг ақлсиз ожиз аёлларимиз ўзимни ўлдираман деб шайтон васвасасига тушар эканлар. Шу ҳолатлар умуман бўлмаслиги мумкин, аёлларимиз доно, ҳақиқий уй бекаси, вафодор ёр бўлсалар, агар оғизда тош бўлса...*

*Бир оилада эру хотиннинг ҳеч бирбирлари билан сўзлари тўғри келмабди, эри бир гапирса, хотини ўн гапирибди, охири икковлари ажралишга келишиб, қозининг олдига боришибди:*

*— Тақсир бизни ажратиб қўйсангиз, биз ҳеч келишиб яшолмадик.*

*Қози жуда тадбиркор, ҳушёр, доно одам экан, икки ёшга қараб: — Хўш, энди сизларга икки ҳафта муҳлат бераман. Шундан кейин келасизлар, сизларни ажратиб қўяман, — дебди-да, келинга косанинг ичидан кичкина бир тошни олиб узатибди. — Келин, сиз шу тошни оғзингизга солиб, овқат маҳалидагина оғзингиздан оласиз, еб бўлгач, яна солиб қўйинг.*

*Шундан кейин қозининг олдидан эру хотин кетишибди. Келин уй юмушларини индамай оғзида тоши билан бажарар, овқатини еб бўлгач, кейин яна оғзига тошини солиб олар экан. Хуллас қози берган муҳлат тугабди. Эру хотин ҳеч уришмабди. Икки ҳафта мобайнида бирбирларидан ҳеч озор кўришмабди ва қозининг олдига боришибди. Қози эру хотинга донолик билан тикилиб: «Энди сизларни ажратиб қўйишим керак, мана, бу ерга муҳрингизни қўйинг» деб куёв томон қарабди: Куёв: — Менинг қўядиган хотиним йўқ, дебди. Келин бўлса «менинг ҳам чиқадиган эрим йўқ» деб туриб олишибди...*

*Қисқаси (ҳиссаси) хушфеъллик, камгаплик, ширин сўзлик, ҳақиқий фаришталик аёлларга хосдир.*

## «ЭНГ ХУНУК АЁЛ»

*Дунёнинг бағри кенг, шундай бир кичик орол бор эканки, у ерда фақат аёллар яшар экан. Мабодо бирор эркак зоти қадам қўяр бўлса, уларни аёллар дарров ўлдирар эканлар. Кунларнинг бирида бир доно йигит ўша жойда яшаб қолиш бахтига муяссар бўлибди. Қандай қилиб дейсизми?*

*У аёллар олдига борганда, мени оролларингиздаги энг хунук аёл чиқиб оссин, деган экан. Шунда ҳеч ким чиқмаган ва бу эркак омон қолган экан. Ҳақиқатан ҳам аёлларнинг ҳеч хунуги йўқдир...*

***Саломат ҲАСАНОВА тайёрлади.***

## «ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН»

Миллий маънавиятни, миллий анъаналарни, болаларга улар ҳаётининг илк йилларидан бошлаб сингдириш комил инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис айни кунларда боғча-яслиларда болаларга ота-боболардан мерос қадриятларни замонавий услублар ёрдамида сингдиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу жиҳатдан яқинда пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги «Полопон» номли 107- болалар боғчасида ўтказилган «Ўзбекистон фарзандиман» мавзуидаги кўргазмали семинар ғоят ибратлидир. Унда тумандаги барча боғча ва яслиларнинг мудирлари, услубиётчилари иштирок этдилар.

Шуниси аҳамиятлики, семинар чоғида тумандаги тарбия масканлари ўзларининг миллий маънавият руҳида тарбиялаш борасидаги илғор тажрибаларини намойиш этдилар.

Жумладан, боғчалар тарбияланувчиларининг «Тил ўрганаяпмиз», «Буюк сиймолар», «Ҳашар», «Шарқ бозори», «Гиламдўзлик сирлари», «Тушов ечиш маросими», «Сеҳрли куйлар» каби дастурлари миллий ифтихоримизга айланган буюк сиймоларни таниш, ҳаётни ўрганиш баробарида халқимизнинг қадимий анъанларини ўзлаштиришга имконият ҳам яратади.

— Туманимизда ана шундай кўргазмали семинарларни ташкил этиш анъана тусига кириб бораяпти, — дейди Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматулаев. Шуниси қувончлики, бу мураббийларимизнинг таълим-тарбия бериш жараёни кичкинтойларимизнинг савиясини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда.

**Кўпайсин АЛИЕВА.**

## КЎЗГА ҚАРАНГ...

Келиб-келиб байрам арафасида говмучча чиқадими? Туни билан оғриб, шишиб, кўзимни очирмай қўйди. Чойдан кейин шоша-пиша врачга югурдим. Докторимиз Ҳамида опа милкларни кўздан кечириб чиқдида:

— Қобоғингиз шамоллабди. Бир эмас, тўртта говмучча-я! Иссиқ қилиб, ёзиб берган дориларимни суртсангиз, тузалиб кетади. Ё боғлаб юринг, ё кўзойнак тақиб юринг, шамол тегмасин, — деди.

Шифохонада врачимиз ёзиб берган дастлабки муолажа — электр иссиғини олгач, оғриқ босилгандек бўлди. У ердан чиқиб дорихонага йўл олдим.

Бекат яқинида икки сарвқомат дугона суҳбатлашиб турарди. Ҳар иккиси ҳам ясан-тусан қилиб, шундай очилиб кетибдики, асти қўяверинг: кун деса кундай, ой деса ойдай. Қалбимда қандайдир илинж ғулув қилдими гап қотдим:

— Байрамингиз муборак, Кумушойлар!

Дугоналар нозли табассум билан қиқирлаб кулишди.

— Раҳмат, муллака!

Қизларнинг бу сўзидан ийиб кетдимми, гапни гапга уладим:

— Наргизмисиз, Лоламисиз, Нилуфар?

— Айтганингиз, — деди қақажонлик қилиб улардан бири ва карашма билан кўзини сузди. Гап тополмай эсанкираб қолдим. Кейин эса бирдан чапанича сўзлар оғзимдан чиқиб кетса бўладими:

— Хумор кўзларингдан ўзим ўргулай!

Қизнинг энсаси қотиб кетдию, қошлари чимирилди, лекин яна бирдан очилиб, қақажонлик қилди:

— Кўзга қаранг, мулла ака, қоқилиб кетасиз.

— А?!

Бирдан чалқанча йиқилишимга оз қолди. Чап оёғим йўлакдаги чуқурчада йиғилган кўлмакка шалоп этиб тушди. Ботинкамнинг ичи сувга тўлди: шўлп-шўлп! Қизлар эса қиқир-қиқир кулишарди, мен эса говмучали кўзимни ушлаганча кетиб борардим...

*Quvnoq davra*

## ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Онамнинг қизиқ одати бор. Уйимизга меҳмонлар келадиган бўлса (айниқса, дугоналари бўлса) бутун зебу зийнатини кўз-кўз қилишга ҳаракат қилади. Катта ойна олдидаги пардоз буюмларини шундай тартиблайдики... Бугун ҳам уй юмушларини шу ишдан бошлади. Лекин бироз ўтмаёқ, мени чақириб тергай кетди:

— Француз атирларининг шишаларини ким олди?

— Бўш шишалар эдию, ойижон?

— Нима қилдинг, қани, керак эди менга?

Ростини айтмасам бўлмасди, айтақолдим:

— Дадамнинг тройной одеколонидан солиб, синф раҳбаримизга, чет тили ўқитувчимизга совға қилдим.

— Вой ўлмасам, Жўравой, бу нима қилиқ, билиб қолишса, номусга ўлдирасан-ку бизни. — Кейин бирдан жиғиллай кетди: — Отангга ўхшамай ўл! Қуш уясида кўрганини қилади, деб шуни айтадилар-да. Йўқол кўзимдан!

Онамнинг қарғишларини қўшни хонада дадам эшитиб турардилар. Лекин лом-мим демадилар. Тез кийиндилар-да, қутичадан бир даста пулни олиб кўчага чиқиб кетдилар.

Дадамнинг бу вазиятда тили калимага келмай қолганини фаҳмладим. Гап шундаки, ўтган йили 8 мартда маошлари тегмаганми ё бор пуллари рўзғор харажатидан ортмаганми, оғир аҳволда қолгандилар. Байрам арафасида «Онангга нима совға қиламиз» деб хомуш ҳам бўлиб юрдилар. Бир маҳал қарасам, онамнинг пардоз қутисидан бўш француз духиси шишасини топиб чиқдилар, кейин ўзларининг тройной одеколонларидан тўлдириб шоҳи дастрўмолга ўраб қўйдилар. Кечқурун эса, меҳмонлар олдида ўша «француз духи»сини бир боғлам бинафша билан (бувимнинг ҳовлисидан мен териб келгандим) бирга топширдилар. Онам ўша куни қалбаки совғани билмаганди, лекин...

Бугун кечқурун бошқача бўлди. Отам бир қути совға билан эшикдан кириб келди. Қўлида гулдаста. Онамни табриклаб, совғаларини топширди. Онамнинг чеҳраси гулдек очилиб, яйраб кетди ва:

— Қаерларда қолдингиз, дадаси, сизсиз дастурхонни очмай ўтирибмиз-а, — деди.

— Қаерда бўлардим? Ўғлимнинг синф раҳбарининг уйига, чет тили ўқитувчисиникига бориб байрам билан табриклаб келдим, — деди отам ва чуқур нафас олиб, жилмайди.

Отам келтирган совға қутичасини онам очиб кўраётганда, деразадан кўз қиримни солдим. Қути ичида бир эмас икки шиша француз атири, совунлар, тилла тақинчоқлар ялтирарди. Не кўз билан кўрайки, уларнинг ёнида мен одеколон тўлдириб ўқитувчиларимга топширган «франуцз духи»си ҳам бор эди...

## ҒАРОЙИБ ТОПШИРИҚ

Тошкентдаги АТСнинг айби билан-ми, етти-саккиз ойдан бери 49-19-53 телефонимиз ишламасди. Қатнайвериб оёғимизда оёқ қолмади, илтимос қилавериб тоқатимиз тоқ бўлди. Қарангки, бахтимизга байрам арафасида телефонимиз жиринглаб қолди. Лекин қўни-қўшнилардаги ўнлаб телефон рақамларига параллел. Ҳар сафар жиринглаганда эшитгични қулоққа тутиб, асабимиз таранглашади. Мана, яна қўнғироқ. Эшитгични қулоқа тутдим. Аёл товуши эшитилди:

— Дадаси, бу мен, — деди у ҳаяжонда, — яхшиям уйда экансиз...

— Нима гап? — ховотирланиб сўрадим. Чунки бир соатча олдин хотиним Наргизахон бозорга тушиб кетган эди. «Пулини йўқотдими ёки соғлиги...» деган ўйлар хаёлимдан ўтди. — Шошмасдан айтавер, қулоғим сенда, — дедим. У эса яна ўша ҳаяжон билан сўзида давом этди:

— Дадаси, эшитаяпсизми? Машинангизни олиб зудлик билан келсангиз. Иложи бўлса, бир-иккита тўрхалта ҳам ола келинг. Совғалар шунча кўпайиб кетдики, сумкаларимга сиғмаяпти. Яна шунча атиру упа, совуну рўмолчаларни бир ўзим кўтариб олиб кетолмайман. Тағин қучоқ-қучоқ гулларни айтмайсизми? Уч синфга раҳбар бўлганимдан, яна бошқа синфларга дарсга кирганим шарофатими ўқувчиларим совға-саломларга кўмиб ташлашди. Ҳар ҳолда бу халта-халта совғаларни одамлар кўз олдида мактабдан олиб кетманг деб, ўқувчиларим орқали Ойниса холанинг уйига чиқартириб қўйдим. Ўша жойдан машинага жойлаб кетарсиз. Ҳа, айтгандай, гулларни шу бугуноқ йўқотинг. Чилонзорда чаққон экан. Зокир дарсдан келгач, атиру совунларни эски шаҳарга олиб тушиб бугун сотворақолсин. Яхшилаб пулласангизлар ўрнига бир олам акция оламиз. Кийим-кечакларни ўзим кейин пулларман. Ҳа, айтмоқчи...

Телефонда гап узилиб қолди. Дуд... дуд...дуд. Мен эса бошим гаранг: ғаройиб топшириқнинг эгаси ким экан?

Ана шунақа гаплар...

**Маҳкам РАҲМОНОВ.**

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклдаги катакларга рақамли хонадан занжир ва кесишган ҳолда ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1.Темурий маликаларидан бўлган Бибихонимнинг асл исми. 2. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги адолатли ҳукмдор аёл сиймоси. 3. Мушкдан тараладиган хушбўйлик. 4. Абдулла Қодирий романи асосида экранлаштирилган «Зулматни тарк этиб» фильми қаҳрамони. 5. Исмоил шоир Назар ўғлидан ёзиб олинган эрк ва муҳаббат, ҳақиқат ва жасур аёл фазилати ҳақидаги ўзбек халқ ишқий-романтик достони. 6. Машҳур Хоразм халқ куйи ва рақси. 7. Бахтли тақдир — порлоқ келажак маъносидаги аёллар исми. 8. Баҳор гули. 9. Хушбўй атторлик ашёси. 10 Куй оҳангига мос ҳаракатлар билан ижро этиладиган санъат соҳаси. 11. Ёнғин Мирзо шеъридан:

Биз меҳнатда топдик бахтимиз,
Меҳнатда...? ... оқарса майли!

12. Ўткир Ҳошимовнинг «Қалбингга қулоқ сол» қиссаси қаҳрамони. 13. Ғафур Ғуломнинг уттизинчи йилларда ёзган «Ёдгор» қиссаси қаҳрамони. 14. Устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоева мумтоз ўзбек халқ куйи асосида саҳналаштирган рақслардан бири. 15. Санъаткор аёл. 16. Насрий асар ёзувчи ижодкор аёл. 17. Оналар ижросидаги қадимий қўшиқ. 18. Таниқли раққоса, Ўзбекистон халқ артисти. 19. Совға, туҳфа. 20. Шарқ бадиий ижодида қўлланилган , мактуб тарзидаги асар. 21. Эстрада хонандаларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти. 22. Ранго-ранг товланувчи миллий ипак газлама.

МУАММО:

Аввал қуйидаги шеърий мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Алишер Навоий:
Сўзлардин чизма қалам ташқари,
Хатлардин қўйма 7, 6, 11, 6, 4. ташқари.
Бўлсин адаб бирла бари хизматинг,
Ҳам қил адаб «дол»и каби қоматинг...

2. Абдураҳмон Жомий:
Фақат она эмас менга қиммат зот,
Унинг мартабаси бундан ҳам зиёд.
Ишларим ривожин ўшандан кўрдим,
Бу 12, 6, 13, 12, 9, 4. ва тожим ўшандан кўрдим.

3. Собир Абдулла:
Оналикнинг мазмуни жаҳон билан тенг,
2, 6, 14, 3, 9, 16. айтган жаҳон — шу мушфиқ она.

4. Ғафур Ғулом:
Онам деганимда, оқсоч жафокаш,
4, 1, 2, 9, 8 ва меҳрибон чеҳранг 2, 6, 4, 3, 10, 2.
Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон.

5. Миртемир:
Қувончим мўл, бўлибман дада,
Ўғил яхши ота кўркига...
15, 1, 16, 5, 6, кўнглим! Ана онаси,
Ором олур, қошлари қиё.

Энди шакл атрофидаги рақамларни жавоб сўзларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан форс-тожик мумтоз шоири мутафаккир Абулқосим Фирдавсийнинг икки мисра ҳикмати аён бўлади.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Луқмон БЎРИЕВ, Улуғбек ЖУМАЕВ

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0159.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6